

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил март ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди, ўз биноси ва тумандаги “Мададкор” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ж.Ахмедовнинг раислигида, М.Мадаминованинг котибалигида, давлат айбловчиси Гурлан туман прокурорининг ёрдамчиси М.Сабитов, судланувчи А.У. ва унинг ҳимоячиси “YAKUBOV ILHAM SALIYEVICH” адвокатлик бюроси адвокати И.Якубовларнинг иштирокида У.А.Н.га оид 1-2206-2201/26-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

У.А.Н., 1981 йил 23 майда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, судланмаган, Гурлан тумани, Мададкор маҳалласи, Бинокор кўчаси, 00-уй, 00-хонадонда яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасининг нусхасини 2022 йил 4 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд иш ҳужжатлари билан атрофлича танишиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини ҳамда томонлар музокарасини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ўрганиб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И :**

А.У., 2022 йил 13 январь куни соат 20:30ларда ўзининг яшаш уйига гаразли ниятда, яъни моддий наф кўриш мақсадида 1987 йил 15 майда туғилган Б.Р. ва 1994 йил 26 февралда туғилган Б. Р.С., фуқаролар А. С. Х. ва Ш.Ж.Р. билан бирга жинсий алоқада бўлиши учун киритиб, уларга ўз яшаш уйида жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб, бунинг эвазига С.А.дан 200.000 сўм пуллари олиб, қўшмачилик қилган.

Судланувчи А.У. суд мажлисида айбига қисман иқrorлик билдириб, 2022 йил 13 январь куни таниши Р.Б. унга уяли телефонидан кўнғироқ қилиб, танишлари билан уйига бориб, уйида зиёфат қилиб, дам олмоқчи эканлигини айтганда розилик билдирганини, уйи қаердалигини сўраганида унга тушунтирганини, шу куни кеч соат 20.00 ларда “Р.” дугонаси ва иккита нотаниш эркак шахслар билан келганлигини, дастлаб уларни жинсий алоқа қилмоқчи эканлигини билмаганини, кейинчалик бунга розилик билдирганини, битта нотаниш эркак йигит у кир ювиб юрган вақтида унга 200.000 сўм пул берганлигини, кейин улар ичкарига кириб кетганлигини, шу орада туман ИИБ ходимлари келиб, ҳолат бўйича изох беришни



сўрагашганида бўлган ҳолатни уларга айтиб берганлигини ва 200.000 сўм пулларни ўз ихтиёри билан уларга тақдим қилганини, қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлигини инобатга олиб, қонун доирасида енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ С.А. суд мажлисида, 2021 йил декабрь ойидан Гурлан туманида яшовчи “Р.” исмли аёлни танишини, 2022 йил 13 январь куни Р.ни уяли телефонига қўнғироқ қилиб, унга жинсий алоқада бўлишни таклиф қилган у рози бўлиб, 1 соат жинсий алоқада бўлиши учун ундан 400.000 сўм пул беришни сўраганини, унга таниши ҳам борлигини айтганида, таниши ҳам 400.000 сўм берса, у билан бирга жинсий алоқада бўладиган таниши борлигини айтганидан кейин дам олиш учун жой борлигини, уй эгасига 200.000 сўм пул бериши лозимлигини айтганлигини, кейин ўзи эса бу ҳақда туман ИИБга хабар берганлигини, ИИБ ходимлари тезкор тадбир ўтказилишини айтишганлигини, холислар иштирокида ИИБ ходимлари 100.000 сўмлик купюрадаги 10 дона жами 1.000.000 сўм пуллар кўздан кечирилиб, серия рақамлари қайд қилиниб, унга берилганлигини, шу куни кечкурун, кейинчалик исми А. эканлиги маълум бўлган аёлни уйига борганликларини, уйга дастлаб, Р. билан уни дугонаси, кейин дўсти “Ж.” билан бирга кирганликларини, кейин Р. билан олдин келишганидек, улар билан бирга жинсий алоқада бўлиш учун 800.000 сўм пул берганлигини, А.га 200.000 сўм пул берганлигини, А. ундан олган пулларини ошхонасида қўйиб, унга Р.ни қаердан топганлигини сўраб, ҳазиллашганлигини, шундан сўнг Ж. у билан бирга жинсий алоқада бўлиш учун келган Р. билан бирга ичкаридаги хонага кириб кетишганлигини, кейин у таксилар орқали овқат буюртма қилишини айтиб, ИИБ ходимларига хабар қилганлигини, кейин ИИБ ходимлари ёнида холислар билан бирга кириб келишиб, улардан нима қилиб юрганлигини сўраб суриштиришганлигини, кейин бўлиб ўтган воқеани айтиб берганликларини, А. ва улар билан бирга жинсий алоқада бўлиш учун келган қизлардан ҳам бу ҳақда сўрашганлигини, А. ва Р. ундан олган пулларни туман ИИБ ходимларига ўз ихтиёри билан тақдим қилганлигини, ИИБ ходимлари эса ушбу пулларни тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олишганлигини, тадбир жараёнида у ўз шахсий пулларини ИИБ ходимларига берганлиги учун тадбир якунланганидан сўнг, пулларни тилхат орқали қайтариб олганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Р.Б. суд мажлисида, 2022 йил 13 январь куни битта нотаниш йигит унга телефон қилиб, жинсий алоқа қилмоқчи эканлигини, ёнида таниши ҳам борлигини, шу сабабли таниш аёл бўлса ҳар бирига 400.000 сўмдан пул беришини айтганлигини, шундан сўнг “Р.” исмли танишига телефон қилиб бу ҳақда айтганида у ҳам рози бўлганлигини, кейин таниши А.га телефон қилиб уйига дам олиш учун бормоқчи эканликларини, иккита аёл ва иккита эркак шахс бўлиб боришларини айтганлигини, унга бунинг учун пул беришларини айтганлигини, у рози бўлганлигини, шундан кейин бу ҳақда жинсий алоқада бўлмоқчи бўлган йигитга телефон қилиб уй эгасига 200.000 сўм пул бериш кераклигини айтганлигини, у рози эканлигини билдирганлигини, шу куни соат 20:00 лар атрофида А.ни яшаш уйига



борганликларини, уйда А. уларни кутиб олганлигини, уйга кирганидан кейин пальто кийган йигит унга ва дугонасига дам олиш учун 400.000 сўмдан 800.000 сўм берганлигини, А.га 200.000 сўм берганлигини, шундан кейин дугонаси бир йигит билан ичкари хонага кириб кетганлигини, у эса бошқа йигит билан меҳмонхонада қолганлигини, шу орада А.ни уйига фуқаролик кийимида ИИБ ходимлари кириб келишиб, улардан нима қилиб юрганликларини, кимлигини сўрашганлигини, кейин нотаниш йигитлар ИИБ ходимларига А.ни уйига жинсий алоқада бўлиш учун келишганлигини, унга ва дугонасига бунинг учун 400.000 сўмдан пул беришганлигини, уй эгасига эса 200.000 сўм пул беришганлигини айтишганлигини, кейин ушбу пулларни ИИБ ходимларига тақдим этишганлигини, А. ҳам ўзи олган 200.000 сўм пулларни уларга тақдим қилганлигини, бу юзадан ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган Ш.Х. 2022 йил 13 январь куни ишлари билан Гурлан тумани ИИБга борган вақтида ИИБ ходимлари битта ишда холис иштирокчи сифатида қатнашишини сўрашганида ўз ихтиёри билан рози бўлиб, туман ИИБ биносига кирганида яна битта “Х.” исмли шахс холис иштирокчи сифатида қатнашишини айтишганлигини, шундан кейин ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлигини, фуқаролик кийимидаги туман ИИБ ходимлари фуқаро С.А.нинг туман ИИБ бошлиғи номига ёзган аризасини ўқиб таништиришганлигини, аризада, Р. исмли аёл фоҳишачилик билан шуғулланиб келаётганлиги, ушбу аёл ёш қизларни онгига салбий таъсир кўрсатиб келаётганлиги сабабли унинг ҳаракатларига чек қўйишни сўраганлиги кўрсатилганлигини, ИИБ ходимлари фоҳишалик билан шуғулланиб, қўшмачилик қилиб келаётган ҳолатларни аниқлаш юзасидан тезкор тадбир ўтказилишини айтишганлигини, фуқаро С.А.нинг ёнларини кўздан кечиришиб, тадбир учун ажратилган 1 млн. сўм пулларни серия ва рақамлари кўздан кечирилиб, ариза муаллифига тақдим қилинганлигини, шу куни соат тахминан 20:30 ларда ИИБ ходимлари билан бирга Мададкор маҳалласи, Бинокор кўчаси, 0000-уй манзилига етиб боришганлигини, ушбу манзилда тадбирга жалб қилинган фуқаро С.А. уларга нотаниш бўлган икки нафар қиз билан жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берган аёл яъни А. исмли аёлнинг яшаш хонадонида 200.000 сўм эвазига жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бераётганлиги аниқланганлигини, тадбирда фойдаланиш учун С.А.га бериб юборилган пулларнинг 200.000 сўмини фуқаро А.У. ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига тақдим қилганлигини, қолган 800.000 сўм пулларни эса нотаниш бўлган икки нафар аёллар ИИБ ходимларига тақдим қилганлигини, пуллар ашъвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинганлигини, тақдим қилинган пулларни серия ва рақамлари текшириб кўрилганида дастлаб туман ИИБ биносига ариза муаллифи С.А.га тадбирда фойдаланиш учун бериб юборилган пулларни серия ва рақамлари билан бир хил эканлиги аниқланганлигини, тезкор тадбир ва уни асосида олиб борилган бошқа терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида орган ходимлари томонидан



ҳеч кимга нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир қилинмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ сифатида сўралган фуқаро Х.Н. ҳам гувоҳ Ш.Х.нинг кўрсатмалари билан бир хил мазмунда кўрсатув берди.

Судланувчи А.У.нинг содир қилган жинояти, юқоридаги кўрсатувлардан ташқари, фуқаро С.А.нинг аризаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги, фуқаро С.А.га пул бериш ҳақидаги, тақдим қилинган нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар, дастлабки тушунтириш хатлари, фотосуратлар ҳамда бошқа далиллар билан исботланган.

Суд иш ҳолатларини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.У.нинг содир қилган жинояти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан нотўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Чунки амалдаги жиноят қонунчилигида, ўз миқозларининг шахвоний эҳтиёжларини муттасил равишда қондириш учун фойдаланиладиган жой фоҳишахона деб топилиши, фоҳишахонанинг зарурий белгиси сифатида ўзининг жинсий эҳтиёжларини маълум бир ҳақ эвазига қондириш мақсадида одамларнинг мунтазам равишда бориб туриши тушунилиши, фоҳишахона ташкил қилиш ва сақлаш деганда уйни қидириб топиш, уйни жиҳозлаш (мебеллар танлаш, идиш-товоқлар олиш ва ҳоказо), унинг ишлаши учун керакли шароит яратиш, фоҳишахонанинг узоқ муддат ишлаши учун ёрдам бериш, хизмат кўрсатувчилар, кўрикчилар, ҳайдовчилар ёллаш ва ҳоказолар тушунилиши кўрсатилган.

Кўшмачилик қилиш деганда эса шахвоний жуфтларни қидириб топиш ёки муайян шахслар ўртасида жинсий алоқалар ёхуд ғайритабиий усулда жинсий эҳтиёжларни қондириш учун ёрдам бериш тушунилиши таъкидланган.

Мазкур жиноят иши ҳолатларига кўра, А.У. алоҳида фоҳишахона ташкил қилиб, уни олдиндан керакли анжомлар билан жиҳозлаб қўйиб, муттасил равишда миқозларни қабул қилиб келиб, узоқ муддат фоҳишахона сақлаш иши билан шуғулланмаган.

Балки, аксинча у қулай фурсатдан фойдаланиб, моддий наф кўриш мақсадида юқорида қайд этилган эркак ва аёлларнинг жинсий алоқа қилишлари учун фоҳишахонага мўлжалланмаган ва алоҳида жиҳозланмаган ўз яшаш уйидан жой қилиб берган.

Қолаверса, А.У.нинг ўз уйига аввалдан бошқа шахсларни қўйиб, уйидан муттасил фоҳишахона сифатида фойдаланиб келганлигини тасдиқловчи далиллар жиноят ишида мавжуд эмас.

Бундай ҳолатда А.У.нинг жинсий ҳаракатини шубҳа-гумонларга асосланиб фоҳишахона ташкил қилиш ва сақлаш жинояти сифатида баҳолаб бўлмайди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида, “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча



шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.” деб белгиланган.

Шунга кўра, суд А.У.нинг юқорида баён этилган жиноий қилмишини фоҳишахона сақлаш эмас, балки ғаразли ниятда қўшмачилик қилиш жинояти эканлигини эътироф этиб, унинг бу ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмидан, шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 26-банди 2-хатбошисида, судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмнинг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарли эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли, суд А.У.нинг қилмишини қайта малакалаш борасидаги ўз хулосаларини ҳукмнинг тавсиф қисмида баён этганлигини етарли деб ҳисоблаб, бу ҳақида ҳукмнинг қарор қисмида такроран қайд этишни лозим эмас деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, суд А.У.га жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб, бу ҳолатларни жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, унга жиноий қилмиши квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 200.000 сўм пулларнинг ўз эгаси яъни фуқаро С.А.га тилхат асосида қайтариб берилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И :**

У.А.Н. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

У. А.Н. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Гурлан туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўташ муддати судланувчи белгиланган жойда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини назорат қилиш Гурлан туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач А.У.га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 200.000 сўм пуллар фуқаро С.А.га тилхат асосида қайтариб берилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши ва протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Ж.Ахмедов**

